Barhayot siymo

БАРҲАЁТ СИЙМО

Адиблар хиёбонидаги ҳар бир ҳайкал ўзи ёнидаги шахснинг қандайдир бир махсус хислатини ифодалайди. Бошқача айтганда, ҳайкал муайян ўзига хос белги асосида яратилади. Кўпчилиги шундай: ёрқин белгилар асносида тикланган ҳайкаллардир.

Ҳайкалтарош ҳам санъаткорку, агар тирик ҳолсин санъат асари яратаолмайди.

Ғафур Ғулом ҳайкали кулгичакми, ўктам, кўпинча кийим кўндирган алломат шоир ташқарини гавдалантиради. Шоирнинг болалик дўсти, буюк адиб Ойбек уни умрининг охиригача ҳазилкашлиги Шум бола деб бежиз айтмаган. Шоирнинг ўзи ҳам бу номдан фахр туйғусини туйганми, озор чекмаган. Таниқли адибимиз Озод Мухтор ёзади: "Ўзининг Лабиколуллаги Насриддин Афанди ҳайкалига ранг сепаётган, Ғафур акани эслатади. ҳайкалтарош ундан нусха олган, дейишади. Умуман, Хўжа Насриддинга хос аворли барча хислат – ялтоқлик, домоқлик, топқирлик, ҳатто шумлик ("Шум бола"ни бекордан ёзмаган) – бу одамда мужассам эди". Бу адибнинг "Янгиробнинг аср Насриддини" мақоласидан олинган фикрлардир. Менга эса Лабиколу ва Адиблар хиёбонидаги ҳайкаллар ҳай бир белгиси билан мулоқотга тушгандек.

Ғафур Ғулом Афандини гоят севар, унга ярашар эди. Ҳатто, ўзини унга тенгларди ҳам: "Ғафур деган бир Насриддин китоби...". Бу шоирнинг жўшиқ шеъри: "Бизнинг уйга кўниб ўтинг, дўстларим"дан мисра. Аллома умр шомида Хўжа Насриддинга яна қайтиб бир ҳикоя ва қатор латифалар яратгани ҳам бежиз ва бекислат эмас, албатта.

Ҳар одамнинг ўз нафаси бўлганидек, ҳар замоннинг хос нафаси бор. Ғафур Ғулом ўз даврининг шоири, бир пайтнинг ўзида барча даврлар шоиридир. Ушбу кўп хислат ҳар қандай улуғ шоир учун зарурий белгидир. Ўз даврида қолиб кетган шоирлар камча.

Ғафур Ғулом халқ ва адабиёт томонидан ҳамон эъзозланиши – шундан.

Сувон МЕЛИ,
филология фанлари номзоди